



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 27 март, шанба

№26 (11.621)

Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 26 март куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXI сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бошлиқлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Козим Тўлаганов бошқарди.

Депутатлар шу куни биринчи бўлиб, кун тартибига киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҳисоботи ва айрим бўшаб қолган ўринларга сайланган вилоят Кенгаши депутатларининг ваколатларини эътироф этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Бу ҳақда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг раиси Суяр Қурбонқулов ахборот берди. Ўрни бўшаб қолган сайлов округларидан

сайланган вилоят Кенгаши депутатларининг ваколатлари эътироф этилди.

Шундан кейин сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоятимизда мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги нутқида билдирилган мулоҳазалар, камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Депутатлар томонидан уни тасдиқлаш ва ижросини таъминлашга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ташкилий-назорат хизмати томонидан

Тошкент вилоятининг Бўка туманида 2003 йил 15 мартда ўтказилган йиғилиш баёнида белгиланган топшириқларнинг вилоятдаги ижроси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Тегишли идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Вилоят Кенгаши юқоридаги баённома юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси изчиллигини таъминлаш юзасидан ўзининг қарорини тасдиқлади.

Шу куни депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўртамахсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда депутатлар, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель куни Тошкент шаҳрида қаирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамага қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

4. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни

ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

7. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамага Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, матбуот сўзининг ҳоли ва ошкоралигини таъминлаш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

ЯНГИ ИЖОДИЙ УЮШМА

Бундай вазифаларни амалга ошириш эса бевосита соҳа вакилларининг турли манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қила оладиган, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни давлат ҳамда жамоат ташкилотлари олдига дадил қўя оладиган, ижод эркинлиги шароитида журналистлар ҳамкорлигини ташкил этишга даъват этилган янги ижодий ташкилот тузиш эҳтиёжини юзага чиқарди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини тузиш бўйича Миллий матбуот марказида ўтган таъсис конференциясида сўзга чиққанлар янги уюшма оммавий ахборот воситалари ижодий жамоаларига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиши, матбуотга дахлдор хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун шароит яратиши, журналистлар, айниқса, ёш ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ва тажриба алмашишига кўмаклашиши, таниқли журналистлар, етук матбуот ходимлари ижодий тажрибасини оммалаштириш, журналистларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш каби масалалар билан ҳам шуғулланиши муҳимлигини таъкидладилар.

Конференцияда ташкилотнинг Низоми қабул қилинди.

Шерзод Фуломов ижодий уюшма бошқарувининг раиси этиб сайланди.

ЎЗА.

БАХТ УЙИДА ТАДБИР

Ўртачирчиқ тумани Йўнғичқаъни қишлоғи Бахт уйида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси, унинг вилоят бўлими, вилоят ОИТС маркази ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этган бу тадбирга қишлоқ фаоллари, 5 та мактаб юқори синф ўқувчилари ҳамда никоҳланувчи ёшлар таклиф этилди.

Асосий эътибор аҳолининг маънавий ва жисмоний баркамоллигига қаратилиб, бўлажак никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.



Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув-TSI» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида қайта ишланган пахта ўзининг сифатлилиги билан харидорларни жалб қилмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда кунига 40-45 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаёпти. Маҳсулот 6 та хорижий давлатларга экспорт қилинаётир.

СУРАТДА: завод тайёр маҳсулот бўлими товаршуноси (чапдан ўнгга) Ҳайрулла Ўсарбоев ишчилар Сафарали Ҳамроқулов, Фурқат Тўйчиев билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳусанбой АББАЛОВ олган сурат.

«МЕҲРИ БОРНИНГ СЕҲРИ БОР»

Юқоричирчиқ туман марказий кутубхонасида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Меҳри борнинг сеҳри бор» хайрия кечаси ўтказилди.

Унга ҳудуддаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногиронлар ҳамда ёлғиз қариялар таклиф этилди. «Наврўз» маҳалласи билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда болажонларга Кореянинг «Ёнгранг» хайрия ташкилоти ҳамда тумандаги «Чун-донг-папер-кони» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси томонидан турли кийим-кечаклар ҳада этилди. Тадбир сўнггида ташаббускорлар ва ҳомийлар бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга келишиб олишди.

Камол АСОМОВ.

«БОҒИШАМОЛ»ДАГИСИ ЎЗГАЧА

Тошкентнинг Миробод туманидаги «Боғишамол» маҳалласида Наврӯзи олам бу йил аввалгиларидан ўзгача нишонланди. Байрам тантаналарига қадар шанбаликлар уюштирилиб, маҳалла ҳудуди саранжом-сариятланди, кўплаб ниҳоллар ўтқазилди, дов-дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилди, ариқ ва йўлкалар тартибга келтирилди.

Шу аснода кўпқаватли уйларнинг ҳовлилари орасида «Энг тартибли ва кўркем» кўрик-танлови ўтқазилди. Айниқса, байрам кунлари олимлар ва қаламқашлар билан ўтқазилган учрашув кечаси қатнашчиларда чуқур таассурот қолдирди. Улар Наврӯзнинг ўтмиши ва бугуни, унинг келиб чиқиш тарихи, байрам маросимлари ва урфлари ҳақида қизгин суҳбатлар курдилар. Мавзуга оид қатор китобу рисоалар билан танишишди.

Шу билан бирга маҳаллада «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида ташкил этилган тадбирларда саховат-пеша тадбиркору ишбилармонлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Ўзбекистон либерал-демократик партияси Миробод туман Кенгаши раиси, тадбиркор Равшан Фозилов қатор кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатди.

Сулаймон Мамедов ҳам шу мақсадга 350 минг сўм сарфлади.

«Кино олами» МЧЖ раҳбари, ишбилармон Вадим Агьямов ҳам маҳалла аҳлининг

маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида иш юритаётган қатор хусусий тадбиркорлардан Саидазим Каримов, Анатолий Белоглазов, Отабек Жалилов, Сергей Ким, Елена Политаева, Хожимурод Усмонов, Марина Колядина, Жавдат Меликуловлар «Меҳр-мурувват йили» дастурини бажаришда ўзларининг муносиб улушларини кўшишмоқда.

Наврӯз байрами кунини хусусий тадбиркор Уктамхон Махсумова томонидан «Боғишамол» аҳли учун ёзилган дастурхон маҳалладошларни яна бир даврага жамлаш сабабчиси бўлди.

Кеча сўнгидея табаррук кексалар, кам таъминланган оилаларга ҳамда маҳалла юмушларида фаол иштирок этаётганларга пул мукофотлари топширилди.

Равшан
ЁҚУБЖОНОВ.



2001 йил ноябрь ойида Тошкентда «Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида» Ўзбекистон-Австрия ҳукуматлараро битими имзоланган эди.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА

Ҳозир мазкур битим доирасида халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва бошқа таҳдидларга қарши курашда икки томонлама яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Австрия ички ишлар федерал вазири Э.Штрассер Тошкентга ўтган йил май ойида қилган ташрифи чоғида мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши курашдаги алоҳида мавқеини зикр этиб, Австрия ва Европа Иттифоқи аъзо бошқа давлатларнинг Ўзбекистон билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини баён қилган эди.

Яқинда Ўзбекистон Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги вакилларининг Австрияга ташрифи мазкур алоқаларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон ҳайъати аъзолари Венада Австрия Ички ишлар ва Адлия федерал вазирликлари, пойтахт бош прокуратураси раҳбарияти билан музокаралар ўтказишди, «Бега» махсус аксилтеррор бўлини маси ва жазони ўташ тизими маҳкамалари фаолияти билан танишдилар, австриялик ҳамкасблари билан тажиба алмашдилар.

«Жаҳон» АА.

Чиноз туманидаги 4-сиҳатгоҳ мактаб интернатининг 180 дан зиёд ўқувчилари учун Наврӯз байрами муносабати билан тадбир уюштирилди.

«Дўстлик», «Навойи» ширкат хўжаликлари туман маҳалла жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир давомида тумандаги

Одилбек Азизбеков раҳбарлик қиладиган «Туркистон» дастасининг бадий чиқишлари йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди. Ҳомийлар

интернат маъмуриятига ошхона анжомлари ҳамда эсдалик совғалари тақдим этишди.

Хуршида ТУРСУНОВА.

Олий ўқув юртларига – имтиҳонсиз

Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда умумтаълим мактаблар, академик лицейлар ва касбхунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фанлар бўйича анъанавий олимпиаданинг республика босқичи бошланди.

У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республика-

си, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 330 дан ортқ ўқувчи иштирок этмоқда. Якуний босқичда физика, математика, кимё, биология, информатика ва рус тили бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиш учун номзодлар аниқланади.

Олимпиада ғолиблари мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда, яъни тест синовларисиз қабул қилинади.

ЎЗА.

Истеъмолчи

Жаҳонда саноатнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг кескин ортиши ва интеграциялашувнинг кучайиши маҳсулотларни сотишда қулай бўлган штрихли коднинг яратилишига олиб келди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида дастлаб АҚШ ва Канадада товарнинг универсал коди (УСС) тизими яратилганди. 1977 йилда эса Европанинг 12 давлати ташаббуси билан Европа товарларни рақамлаштириш уюшмаси (EAN) тузилди. Кейинроқ икки ташкилот бирлаштирилиб, ягона Жаҳон товарларни рақамлаштириш уюшмаси «EAN International» ташкил этилди. Бош офиси Брюсселда жойлашган мазкур уюшмага айни пайтда 133 мамлакатнинг бир миллионга яқин компания ва фирмаси аъзо.

Ўзбекистонда тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилаётган турли маҳсулот ва хизматлар мазкур тизимга кўра 478 рақами билан кодланади. Бун-

дай рақамли тамғани бериш ҳуқуқи Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги «EAN Uzbekistan» марказига берилган. Шу пайт-

га қадар марказ томонидан салкам олти юз корхонанинг 22 минг турдаги маҳсулотига шундай штрих коди берилди.

– Бу белгига ҳар бир мамлакат маҳсулотининг миллий рамзи сифатида қаралади, – дейди «EAN Uzbekistan» товар ва хизматларни автоматик идентификациялаш маркази

бош директори Жовдат Полвонов. – Бундан ташқари, штрих кодлари орқали маҳсулотни бир жойдан иккинчи жойга ташиш, улгуржи ва чакана сотиш, истеъмолчига маъқул даражада хизмат кўрсатиш осон кечади. Унга қараб махсус аппарат ёрдамида беш сония



сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Марказ очилган 1998 йилга қадар мамлакатимиз МДХ учун ягона 460 штрихли рақамига амал қилар эди. Эндикда эса ишлаб чиқарувчиларимиз 478 рақами билан ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилаётир. Марказга аъзолик ихтиёрий.

Хориж бозорига олиб чиқарилаётган кодланмаган маҳсулот эса харидорларда ишонсизлик уйғотади. Ўз навбатида бу унинг нархи кескин пасайишига, ҳатто сотилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Автоматик идентификациялаш (штрихли код ва электрон чиплар) тизимидан бугунги кунда савдо-сотиқ, саноат, қурилиш, транспорт, банк иши, соғлиқни сақлаш каби тармоқларда самарали фойдаланилмоқда.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларда ва жамоналарда Наврӯз шодиёналари давом этмоқда.

Янгийўл шаҳри меҳнатқашлари ҳам Наврӯз байрамини шоду хуррамлик билан нишонладилар. Ўтқазилган ҳар бир тадбирда бағрикенглик, дўстлик, биродарлик, саховатпешалик фазилатлари яққол сезилиб турди.

Байрам арафасида шаҳар маданият саройида катта хайрия концерти уюштирилди. Тадбиркор Ўткир Маҳмудов саъй-ҳаракати билан 75 боланинг суннат тўйи тантанали ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳарнинг «Мадина» ресторанида кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар учун байрам совғалари тарқатилди.

«Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларда бўлиб, меҳр-мурувват кўрсатдилар.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

СУРАТДА: «Мадина» ресторанида ташкил этилган байрам тадбиридан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

СИҲАТГОҲНИНГ САХОВАТЛИ МЕҲМОНЛАРИ

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда тиббиёт беморларни даволаш билан бир қаторда касалликнинг олдини олиш, соғлом кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада педиатрия бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг барча турларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Педиатрия илмий текшириш институти ҳамда Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда педиатрия хизмати фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди.

ЎЗА.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ РАМЗИ

ида товар ва хизматларнинг миқдори, шакли, сифат кўрсаткичи ва нархи тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.

Айни пайтда ушбу тизим жаҳон бўйлаб товар айланишини тезлаштириши баробарида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қулай шакли

Ўзбекистон Банклари уюшмасида «Тижорат банклари-ни солиққа тортиш масалалари» мавзuida семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилди.

СОЛИҚ — ЖИДДИЙ ИШ

Марказий банк раисининг ўринбосари А.Қодиров ўз сўзида иқтисодиётнинг реал тармоғи, жумладан, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш даврида тижорат банкларининг мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш ресурс базасини кенгайтириш учун уларни солиқ жиҳатдан раббатлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил учун макроиктисодий кўрсаткичларнинг асосий параметрлари ва уларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат банкларни фойда солиғига ўтказиш юзасидан аниқ чораларни кўзда тутди. Бу билан тижорат банкларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, соф фойдаси ортиши мақсад қилинган.

Ў.А.

ҚИШЛОҚДА КИЧИК КОРХОНА

Пскентлик Шавкат Ҳакимов ўзининг «МС Натурал продукт» фирмасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишламоқда. Яна бир тадбиркор Асқар Хўжабоев эса «Тараққиёт сервис» муқобил машина-трактор паркни очиб, элликдан ортиқ фермерга техник хизмат кўрсатяпти.

— Фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган туманимизда кейинги вақтларда ишлаб чиқариш ҳам ривожланиб бормоқда. Бунда кичик бизнес корхоналарининг улуши катта, — дейди тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бошлиғи Умркул Болтаев. — Йил бошидан бери тўртта кичик корхона, қирқта микрофирма очилди. Яна 42 нафар пскентлик якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана бошлади. Бу эса 455 та янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Ў.А.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига хос азалий одат, ҳеч ким, ҳеч қачон бошқа миллат кишиларини дини, рангига қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлакча. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб кўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошади. Улар учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғамхўрлик кўрсатиладики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис этмайдилар.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг минглаб корхона ва ташкилотлари, хусусий фирмалар, оддий одамлар бу болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг кўпчилиги бу болалар-

ни ўғил-қиз қилиб, ўз қарамоғларига олишни хоҳлайдилар-у, бундан қандай расмийлаштириш учун қайси идорага мурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш керакки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълумот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда воқеаларга бир томонлама ёндашилмоқда, ачинарли ҳаёт тасвирланмоқда.

Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилиги жамғармаси республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, интернет нашрларда берилган энг яхши мақолалар, радио эшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

Танлов шиори: «Бахт-икбол... ҳуқуқига эгаман».

Танловга 1 июнь - Болаларни ҳимоя қилиш кунида яқун ясаллади.

Танлов мақсади - фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилган.

Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

Матбуотда, Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:

1 ўрин - 200.000 сўм

2 ўрин - 125.000 сўм

3 ўрин - 75.000 сўм

Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:

1 ўрин - 500.000 сўм

2 ўрин - 300.000 сўм

3 ўрин - 150.000 сўм

FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттиришлар учун:

1 ўрин - 100.000 сўм

2 ўрин - 75.000 сўм

3 ўрин - 50.000 сўм

Энг яхши видеоролик учун - 100.000 сўм.

Энг яхши фото ва фоторепортаж учун - 200.000 сўм.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз вилоятдаги барча журналистларни, ижодкорларни ушбу танловда фаол иштирок этишга чақирамиз.


ЯНГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲА

Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг қўшма лойиҳаси бўйича ҳамширалик ишини янада ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда касалхона ва шифохоналар ҳамширалари, тиббиёт институтлари ҳамда коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.

Бугунги кунда ҳамширалик иши бўйича мутахассислар тайёрлаш республикадаги олтита институт ва 54 та коллежда олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимлари тайёрлашни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг билим сифати умуман олганда, педагогларнинг маҳоратига боғлиқ. Шунга мувофиқ уларнинг малакасини ошириш бўйича қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. JICA экспертлари томонидан семинарлар ташкил қилинди, таълим натижаларига кўра ҳамширалик жараёни концепцияси ишлаб чиқилди.

Семинарда сўзга чиққан япониялик мутахассислар йиғилганларни ҳамширалик ишининг янги концепцияси билан таништирди. Лойиҳада Тошкентда ҳамширалик иши бўйича педагоглар малакасини ошириш маркази очиш кўзда тутилган, бу ерда машғулотларни тренерлар олиб боради. Талаба ва ўқувчилар амалий тайёргарлигининг муҳимлиги ва долзарблигини ҳисобга олиб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида «намунали касалхона» ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ў.А.



Чиноз туманида Т. Эрназаров номли ширкат хўжалигида заҳматкаш миришкор деҳқонлар кўплаб топилади. Сиз суратда кўриб турган Назаркул Бўрибоев 1947 йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланиб келмоқда. Н. Бўрибоев 4 гектар ерга буғдой экиб, мўл ҳосил олиш тараддудида турибди.

СУРАТДА: Назаркул Бўрибоев.

ДАҲМЕДОВ олган сурат.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

Пскент туманидаги «Аржангиз» фермер хўжалигининг етмиш гектар ери янги мавсумда янада кенгайди. Асқар Хўжабоев раҳбарлик қилаётган мазкур хўжалик ери билан даласи ёнма-ён фермерлар Мирғоли Рустамов, Эшбой Хайтбоев, Ўткир Эшонқулов ихтиёрий равишда унга қўшилди.

— Бугун майда фермер хўжаликлари фаолияти ўзини оқламаётгани сир эмас, — дейди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги раҳбари Наби Усмонов. — Кичик майдонларда иш юритишнинг харажати катта. Янги техника, банкдан кредит олиш ҳам осон эмас. Бундай фермерларнинг ихтиёрий равишда бирлашаётгани харажат ва ташвишни камайтириб, даромадни ошириши табиий.

Тумандаги салкам бир ярим минг фермер хўжалигидан 774 тасининг ер майдони беш гектардан ошмайди. Янги мавсум олдида майда фермер хўжаликларининг қирқтаси ўз ихтиёри билан бир-бирига қўшилди.

Айни пайтда фермер хўжаликлари танлов асосида ташкил этилмоқда. Уларга ажратиб берилаётган ер майдонлари эса эллик гектардан кам эмас. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган «Қирққизобод» ҳамда «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат хўжаликлари негизида 48 та фермер хўжалик ташкил этилди.

Ў.А.

ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛДИ

Қибрай туманидаги «Медиз» қўшма корхонаси республикамизнинг бир маротаба ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналардан ҳисобланади. Унда ҳар йили миллион доналаб шундай маҳсулот тайёрланиб, шифохона ва дорихоналарга етказиб берилмоқда.

Корхона фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган замонавий технологиялар жорий қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Утган йили шу мақсадда салкам 8,3 миллион АҚШ доллари миқдорида техника воситалари харид қилинди. Германиядан келтирилган бу асбоб-ускуналар ишга тушиши билан маҳсулот тайёрлаш сезиларли даражада кўпаяди, қўшимча ишчи ўринлари барпо этилади.

Ўз мухбиримиз.

КЎМАКНИНГ ТУРИ КЎП

Зангиота туманида жойлашган жазони ўтаётган болаларнинг ахлоқ туза-тиш муассасасида 90 нафар тарбияланувчи бор. Уларга Тошкент Давлат аграр университети моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Олий ўқув юртининг бир гуруҳ вакиллари Наврўз баҳона бу ерга яна ташриф буюриб, ёшлар билан очик мулоқот ўтказдилар. Талабаларнинг «Гулшан» санъат дастаси ўз куй-қўшиқлари билан барчани мамнун этди.

Учрашув сўнггида муассасага университетнинг махсус совғалари — бу ердаги боғ учун турли кўчатлар, шунингдек, ўқув қуроллари, бадий китоблар тўхфа қилинди.

Лейли РАЖАПОВА.

Dushanba

29

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
«Ўзбекистон» телеканал 29 март кuni ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома»
15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
16.05 «Ёз ифори»
Телесериал.
17.15 «Дастурхон атрофида»
17.30 «Олтин тож»
Телевизион ўйин.

18.00 Янгилликлар
18.10 «Саховат»
18.30 «Юксалиш сари»
Хужжатли фильм.
18.50 «Куйла, ёшлигим»
19.05 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.
«Химмат»
21.25 Жаҳон опера санъати юлдузлари.
21.50 «Ўзбекистон»

телеканалда илк маротаба: «Бахтли бўлиш осон эмас»
Бадий фильм. 1-қисм.

23.05 «Ахборот-дай-жест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

16.00 Кўрсатувлар дастури
16.05 «Давр» ҳафта ичида
16.35 Муялломша
17.05 «Янги авлод» почтаси
17.25 Куёшли юрт одамлари
17.45 ТВ-адвокат
17.50 Ёшлар овози
18.10 Хивада Наврўз
18.30 Тафаккур, ёлқинлари

18.45 ТВ-афиша.
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»-репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 Нуриддин Асқаров куйлайди
20.10 «Мехр кўзда»
Мактубларга шарҳ
20.30 Ота-она излайман
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Гваделупе»
Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.50, 21.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал.
«Бебилиска пул»
20.20 «Хусусийлаштириш: қадам бақдам»
21.10 «Ўзбектефильм» студияси намойиш

этади: «Тўй либослари»
21.45 Кинонигоҳ.
«Истеъдодли жаноб Рипли». 1-серия.
22.45-22.50 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

Томошабинлар диққатига! Профилатика муносабати билан 29 март кuni «SPORT» телеканал ўз кўрсатувларини 16.55 дан бошлайди.

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 Болалар спорти
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил»
20.00 «Время»

20.30 «Х-Спорт»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «Спортивиз маликалари»
21.30 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ»
22.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы 17.00 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор»
18.30 Киновечер на «30-м»: «Пираты XX века», приключения 20.00 «Ошикона», мусикий дастури
20.20 «Стилет», сериал
21.10 «Лучшие клипы»
21.30 «Теле-хамкор»
22.00 Киновечер на «30-м»: «Арлет», комедия
24.00 Программа передачи

Seshanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 «Олтин мерос»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 «Мулкдор»
10.25 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
11.50, 13.50 ТВ-клип.
12.05 «Химмат»
12.25 «Кинотеатр»
13.05 «Марсия»
Телесериал.
14.10 «Муносабат»
14.40 Кундузги сеанс: «Жан Кристофф»
Телесериал.
15.35 «Бизнес-хафта»
15.50 «Мехр улашиб»
16.10 ТВ-анонс.

16.15 1 «Сехрли тилак»
2 «Ёш юлдузлар»
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Остонаси тиллодан»
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Тафсилот»
18.55 «ТВ Бинго миллионер»
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 «Хониш» Мусикий дастури.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бахтли бўлиш осон эмас»
Бадий фильм. 2-қисм.
23.10 «Ахборот-дай-жест»
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг»
Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Уй вази фаси
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал.
«Виждон». 11-қисм
10.20 Муялломша
10.35 Сабахатнома
10.55 Саломат бўлинг.
1-кўрсатув
11.15 ТВ-адвокат
11.20 «Гваделупе»
Телесериал
12.00 Ёшлар овози
12.20 «Ўзбектефильм» студияси намойиши: «Бахор»
12.30 Куёшли юрт одамлари
12.50 Мусикий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 «Янги авлод» почтаси
13.55 Интерфутбол

15.35 Ота-она излайман
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим
16.00 Давр
16.10 «Учинчи сайера» маърифий дастури
17.00 ТВ-анонс
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
17.30 Таянч
17.50 Янги алифбони ўрганамиз
18.05 Қўли гул уста
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусикий лаҳза
20.00 Сув - ҳаёт манбаи
20.05 «Ташаббус - 2004»
20.30 ТВ-адвокат
20.40 «Гваделупе»
Телесериал
21.30 Марди майдон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол - плюс
23.05 «Аждарҳо юраги»
Бадий фильм
0.35-0.40 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал.
«Бебилиска пул»
20.20 «Туризм ҳақида»
21.20 «Инсон ва қонун»
22.00 «Ҳамшахарлар»
22.20 Кинонигоҳ.
«Истеъдодли жаноб Рипли». 2-серия.
23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Болалар спорти»
9.00 «Шоввозлар»
Мультсериал.
9.40-10.00 Тазквондо ВТФ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги «Локомотив» - «Навбахор»
Танаффусда «Хабарлар»
17.50 «Спорт - антракт»
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время»
20.30 «Сув полоси»
20.50 «Олимп сари йўл»
21.00 «Хабарлар»
21.15 Жаҳон спорти: Еврофутбол.

22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Чужое лицо», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Арлет», комедия 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Агентство», юмористический сериал 17.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Невидимый горизонт», остро-сюжетный фильм 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Стилет», сериал 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Диде», комедия 24.00 Программа передачи

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Дилкаш кўчаси, 2-уйда жойлашган «ЮРХАС» ОАЖ «ЮРХАС» МЧЖга

АЙЛАНТИРИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 47-09-82 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Chorshanba

31

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
9.50 Мусикий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Нурли манзиллар»
10.25 «Айиқча ва аждарҳо». Мультфильм.
11.25 «Ободлик кўнглидадир»
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Қишлоқ ҳаёти»
12.20 «Рангин дунё»
12.40 «Мусикий учрашувлар»
13.10 «Марсия»
Телесериал.
14.10 «Истеъмолчи»
14.30 Кундузги сеанс: «Жан Кристофф»
Телесериал.

15.25 «Ягона оилада»
15.55 ИИБ «Осиё юлдузлари» ансамблининг концерти.
16.15 «Яхшилар ёди»
16.35 «Ака-ўка Гримм эртаклари»
Мультсериал.
17.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси»
2. «Кизикарли учрашувлар»
18.10 «Эл саломатлиги йўлида»
18.30 Репортаж.
18.35 Бир жуфт кўшиқ.
18.45 «Ифтихор»
19.05 «Ҳаёт ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари»
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Журналист тахлили»
21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.45 «Барчинонинг шартлари»
Телетомоша.
22.35 «Мадакор рух».

«Ёшлар» телеканал

Бадий фильм.
24.00 «Ахборот-дай-жест»
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг»
Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.05 Тонгги сериал: «Виждон». 12-қисм
9.55 «Давр» - интервью
10.05 Болалар шеърляти
10.15 «Куён оғаникида ҳовли туйи». Мультфильм
10.35 Таянч
10.55 Саломат бўлинг.
2-кўрсатув
11.15 ТВ-адвокат
11.20 «Гваделупе»
Телесериал
12.00 Ёшлар овози
12.20 «Қўза» Қисқа метражли телевизион бадий фильм
12.50 Мусикий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ -анонс

13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 «Ўзбектефильм» студияси намойиши: «Миздақон»
13.50 «Экспедиция»
Хужжатли сериал
14.40 Қўли гул уста
15.00 «Яхши, ёмон йигитлар». Сериал 11-қисм
15.45 Янги алифбони ўрганамиз
16.00 Давр
16.10 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадий фильм
17.20 Кўрсатувлар дастури
17.25 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.45 Мультфильм
17.55 Тенгдошлар
18.15 Сийрат
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-адвокат
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусикий лаҳза
20.15 Очил дастурхон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Гваделупе»
Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос

22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари
23.35 «Ақулалар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм
0.25-0.30 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусикий меҳмонхона»
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал.
«Бебилиска пул»

20.20 «Мохир»
20.45 «Аёл қалби»
21.25 «Химоя»
22.05 Кинонигоҳ: «Мен ва менинг соям»
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Болалар спорти»
9.00 Волебол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30-10.20 «Қучли бешлик». Англия.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Универсиада-2004»
17.25 «Шунчаки кулгу»
18.00 Фильм.
20.00 «Время»
20.35 Сув полоси
21.00 «Хабарлар»
21.15 «2003 йил спорт якунларига доир»

21.35 «Спорт салтанати»
22.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Чужое лицо», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Диде», комедия 16.10 «Лучшие клипы» 16.30 «Агентство», юмористический сериал 17.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Кра-сотки», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Стилет», сериал 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Двойной захват», триллер 24.00 Программа передачи

Payshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси»
2. «Кизикарли учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Сехрли эртақ»
Бадий фильм.

11.35 «Хунарманд»
11.55, 12.35 ТВ-анонс.
12.05 «Дунёни болаларга берайлик»
12.40 «Харакатда баракат»
12.55 «Наврўз ҳазиллари»
13.20 «Дунё бўйлаб»
13.40 «Журналист тахлили»
14.10 Кундузги сеанс: «Иван Васильевич касбини ўзгартиради»
Бадий фильм.
15.35 «Парле ву франсе»
15.55 «Рақслар жилоси»
16.15 1. «Болалар ва катталар»
2. «Цирк,

цирк, цирк»
17.15 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.30 «Хангома»
18.10 «Таълим ва тараққиёт»
18.30 «Яхши ният»
Телелотерея.
18.55 ТВ-клип.
19.05 «Зийнат»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Келин-куёв»
22.45 «Катта бойлик дардида». Бадий фильм. 1-қисм.
23.40 «Ахборот-дайжест»

24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 Давр
7.25 ТВ-анонс
7.30 «Мунаввар тонг»
Информацион дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Виждон». 13-қисм
10.10 Бизнес-академия
10.30 «Қалпоқ хангома-лари»
10.45 Сийрат
11.05 ТВ-адвокат
11.10 «Гваделупе»
Телесериал

11.50 Ёшлар овози
12.10 «Совға»
Қисқа метражли телевизион бадий фильм
12.45 Хандалак плюс
12.55 Мусикий лаҳза
13.00 Давр
13.10 ТВ -анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта»
13.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
14.00 Спорт қитъаси (рус тилида)
14.30 «Яхши, ёмон йигитлар». Сериал 12-қисм
15.15 Тенгдошлар
15.35 «Мистер Бин»
Комедия
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Мистер Бин»
Комедия
16.30 Мусикий лаҳзалар

16.40 Автопатрул
17.00 «Калиш». Телевизион бадий фильм
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа
18.00 Истиклол умидлари
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусикий лаҳзалар
20.05 ТВ-адвокат
20.10 Ёшлар овози
20.30 Ота-она излайман
20.40 «Гваделупе»
Телесериал
21.30 Бегийм
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс

22.45 Келинг, кулишайлик
23.00 «Изқувар»
Бадий фильм
0.30-0.35 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навнихол»
18.30, 20.00, 21.10, 21.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Беби-

Виска пул». 20.20 «Шунақа гаплар». Хажвий кўрсатув. 20.50 «Тенгдошлар». 21.30 «Бурч ва масъулия». 22.10 «Эл хизматида». 22.25 Кинонигоҳ. «Бриллиант кўл». 23.55-24.00 Хайрли

тун, шахрим!
«Спорт» телеканал
7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.31 - 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Болалар спорти». 9.00 «Шоввоэлар» Мультсериал.

9.20 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 9.50 «Кучли бешлик». Испания. 11.00 Хабарлар (рус тилида)
11.20-13.00 Пьер Ришар «Уйинчок» комедиясида 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус

тилида)
17.15 «Болалар спорти». 17.25 «Эфир юлдузлари». «Кувноқ болалар». 1-кисм. 18.00 «Клон». Сериал. 18.50 «Мўжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 «Нокдаун». 21.00 «Хабарлар». (Ўзбек

тилида)
21.15 «3-тайм». 21.30 «Дадиллик учун соврин». 22.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор»

12.30 «Детский час» 13.00 «Чужое лицо», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Двойной захват», триллер 16.10 «Лучшие клипы» 16.30 «Агентство», юмористический сериал 17.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-

хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Пятница», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Стилет», сериал 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Трудная мишень», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

JUMA

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар 10.05 «Найранг». Бадий фильм. 11.35 «Таълим ва тараққиёт». 11.55, 14.50 ТВ-анонс. 12.05 «Зийнат». 12.25 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.45 «Хангома». 13.15 «Марсия». Телесериал. 14.10 Телемулоқот. 14.55 «Индамас сохибжамол». Мультфильм. 15.05 «Мувоозанат». 15.25 - 16.35 ТВ-клип. 15.35 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 16.40 «Уйла, Изла, Топ!». 17.40 «Чорраха». 18.10 «Тиббиёт одим-

лари». 18.20 «Тафсилот». 18.35 «Антика томоша». 19.05 «Хидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Дастурхон атрофида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ез ифори». Телесериал. 22.45 F.Тошматов номидagi дуторчилар ансамблининг концерти. 23.10 «Ахборот-дай-жест». 23.30 «Катта бойлик дардида». Бадий фильм. 2-кисм. 00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг».

Информацион дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: Шохсупа 8.55 Иклим 9.00 Давр 9.25 Тонгги сериал: «Вихдон» 14-кисм 10.15 «Давр» - интервью 10.30 «Учинчи сайёра» матрифи дастури 11.20 Бахтли болалик 11.35 «Гаделупе» Телесериал 12.15 Ёшлар овози 12.35 «Меҳр кўзда» Мактубларга шарҳ 12.55 Мусикий лаҳза 13.00 Давр 13.10 Болалар учун мультсериал: «Шуке ва Бэйта» 13.30 «Экспедиция» Хужжатли сериал 14.20 Истиклол умидлари 14.40 Сув - ҳаёт манбаи 14.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Сериал. 13-кисм 15.30 Бегойим 16.00 Давр 16.10 Ота-она излайман 16.15 «Таня ва икки мушкетер». Бадий фильм 17.25 Кўрсатувлар дастури 17.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу

нима? 17.55 «Хўткининг хомушлик касалига чалингани». Мультфильм 18.05 Аскар мактублари 18.25 Сен ёлғиз эмассан 18.45 ТВ-афиша 18.50 Олтин мерос 18.55, 21.55 Иклим 19.00 Давр 19.35 ТВ-анонс 19.40 Давр. Миллий хавфсизлик 20.00 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим 20.45 «Гаделупе» Телесериал 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим 21.50 Олтин мерос 22.00 Давр 22.40 ТВ-анонс 22.45 Кинотакдим 23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол 0.45-0.50 Хайрли тун, шахрим!

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернандес». 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Хориж хабарлари». 18.00, 20.40 «Экспресс»

телегазетаси. 18.10 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 19.20 ТВда сериал. «Бибилска пул». 20.20 «Навбатчи қисм». 21.10 «Янги иқтисод». 22.05 «Аёллар салтанати». 22.25 Кинонигоҳ. «Умрбод сеникиман». 1-сериал. 23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Болалар спорти». 9.00 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 9.30 «Спорт - менинг ҳаётим». 9.40 «Шоввоэлар».

Мультсериал. 10.00 «Федерация фаолияти». 10.15 «Х-Спорт». 11.00 Хабарлар (рус тилида)
11.20-11.30 Универсиада-2004. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти». 17.25 «Эфир юлдузлари». «Кувноқ болалар». 2-кисм. 18.00 «Кучли бешлик». Италия. 19.00 «Инсон ва қонун». 20.00 «Время». 20.30 «Сув полоси». 20.50 «Спорт-клуб». 21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
21.15 «Маҳорат қироллари». 21.45 «Спорт - антракт». 21.50 «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.20 Жаҳон спорти: «Теннис». 00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Чужое лицо», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Трудная мишень», остросюжетный фильм 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Юмористическая передача» 17.00 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Смокинг», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 3 звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хамкор» 22.00 Киновечер на «30-м»: «Живи и дай умереть другим», остросюжетный фильм 24.00 «Любимые клипы» 00.30 «Ночной канал» - «Такси - 3», комедия

SHANBA

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ-анонс. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. Финал. 10.00 «Хидоят сари». 10.20 «Мусика дунёси». 10.40 «Бу турфа олам». 11.30 ТВ-анонс. 11.35 «Тафсилот». 11.50 «Шоҳ Султон ҳақида эртақ». Мультфильм. 12.40 «Хониш». Мусикий дастур. 13.10 «Ез ифори». Телесериал. 14.20 «Антика томоша». 14.50 ТВ-клип. 15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Мэурият». 2. «В доброй хате». 3. «Бизнен мирас». 16.00 «Шов-шув». Хажвий кўрсатув. 16.25 «Изоҳор». Мусикий дастур. 16.40 «Экран хандаси». 17.10 «Куч - билим ва тафаккурда». 17.25 «Қалб гавҳари».

17.45 «Қишлоқ ҳаёти». 18.00 «Табиат шифохонаси». 18.10 «Рангин дунё». 18.30 «Интеллектуал ринг». Телеуйин. 19.15 «Узлотто». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида). 20.30 «Ахборот». 21.05 «Гап чикди плюс». 21.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ез ифори». Телесериал. 22.50 «Кинотеатр». 23.10 «Ахборот-дай-жест». 23.30 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Пешқадам». Бадий фильм. 1-кисм. 00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури

7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 8.55 Иклим 9.00 Давр 9.25 ТВ-анонс 9.30 Табат оламида 9.55 Тонгги сериал: «Вихдон» 15-кисм (яқунловчи) 10.50 «Ташаббус-2004» 11.15 Давр. Миллий хавфсизлик 11.35 «Гаделупе» Телесериал 12.15 Баҳор тароналари 12.25 «Наҳот эшиги». Бадий фильм 13.55 Кишлоқдаги тенгдошим 14.15 Жаҳон жуғрофияси 15.05 Мусикий лаҳзалар 15.15 Сув - ҳаёт манбаи 15.20 Интерфутбол 17.00 Очун 17.25 ТВ-анонс 17.30 Кўрсатувлар дастури 17.35 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма 18.00 Дунё ажойиботлари 18.10 Минг бир ривоят 18.15 Саломатлик сирлари 18.35 Каталог

18.45 ТВ-афиша 18.50 Олтин мерос 18.55, 21.55 Иклим 19.00 Давр 19.35 «Давр» - репортаж 19.45 ТВ-анонс 19.50 Кутилмаган меҳмон 20.10 «Бета» чой: 33 хил имконият 20.15 Оҳанрабо 20.00 «Сейонара». Бадий фильм 21.50 Олтин мерос 22.00 Давр 22.40 ТВ-анонс 22.45 «Сейонара». Бадий фильм (давоми) 0.15-0.20 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 Болажонлар экрани. 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Мультчархпалак». 18.15 «Хусусийлаштириш: кадам бақадам». 18.35, 20.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.45 «Экран зийнати ва қиймати». 19.15 «Афиша». 19.35 «Мисли гавҳар». 19.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.20 «Нима учун?». 21.00 «Жаҳон географияси».

21.30 «Бахтли бўлинг». 22.15 Кинонигоҳ. «Умрбод сеникиман». 2-сериал. 23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Болалар спорти». 9.05 «Спорт-антракт» 9.10 «Лаззат». 9.30 «Рангбаранг лента». Рина Зеленая. 10.20 «Мухаббат хикоялари». 11.00 Хабарлар (рус тилида)
11.10 География тарихидан: «Иртқичлар хавф остида» 12.10-12.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати 14.10-14.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 16.55 Кўрсатувлар

тартиби. 17.00. Хабарлар (рус тилида)
17.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Хажвий дастур. 18.00 «Фош қилиш усуллари» 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеуйин. 20.00 «Время». 20.20 «Спорт-клуб». 20.30 Футбол мундиал 21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
21.15 Профессионал бокс тарихи. 21.45 Қиличбозлик. Ўзбекистон биринчилиги 22.05 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

Уважаме телезрител! 30-й канал начинает работу в ночном эфире по пятницам и субботам. 9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор»

9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Пойди туда не знаю куда», мультфильм 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Живи и дай умереть другим», остросюжетный фильм 13.40 3 звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «Безумное влюбленные» 17.00 «Дикая планета», познавательная передача 17.40 «Лучшие клипы» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Жизнь одна», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор», фойдали газета 21.10 «Коллекция Даниэлы Стиль», сериал 22.00 Киновечер на «30-м»: «Скалолаз», остросюжетный фильм 24.00 «Любимые клипы» 00.30 «Ночной канал» - «Баллистик», остросюжетный фильм

Yakshanba

4

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Кўҳна замин оҳанглари». 11.40 «Интеллектуал ринг». Телеуйин. 12.25 «Лаззат сеҳри». 12.55 Эстрада тароналари. 13.15 «Ез ифори». Телесериал. 14.25 «Гап чикди плюс». 15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангин-камон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чин-сэн». 16.20 «Портретга чизилар». 16.40 ТВ-клип. 16.45 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин. 17.40 «Бориға барака». Телетомоша. 18.15 Бир жуфт кўшиқ. 18.25 «Иқтидор».

Телеуйин. 19.10 «Бизнес ҳафта». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Яхшилик». 21.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ез ифори». Телесериал. 22.50 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Пешқадам». Бадий фильм. 2-кисм. 24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 Давр 7.25 ТВ-анонс 7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма 8.55 Минг бир ривоят 9.00 «Давр»-репортаж 9.10 Кинотакдим 9.30 Тонорқа 9.40 Очил дастурхон

10.00 Оҳанрабо 10.40 «Учинчи сайёра» матрифи дастури 11.30 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон. 2.Аскар мактублари 12.10 «Экспедиция». Хужжатли сериал 13.00 Мусикий лаҳзалар 13.10 «Заковат» интеллектуал уйини 13.55 «Парвоз орзуси». Бадий фильм 15.30 Дунё ажойиботлари 15.40 Ринг қироллари 16.30 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим 17.10 ТВ-анонс 17.15 Хуш келибсиз 17.40 Кўрсатувлар дастури 17.45 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус 18.10 Спорт ҳафтанома 18.25 Оила тилсими. Матёқуб Қўшонов 1-кисм 18.45 ТВ-афиша 18.50 Олтин мерос 18.55, 21.55 Иклим 19.00 «Давр» - news 19.20 ТВ-анонс 19.25 Оила тилсими. Матёқуб Қўшонов 2-кисм 19.50 Сув - ҳаёт манбаи 19.55 Хандалак 20.25 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал

уйин 21.20 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Эпидемия». Бадий фильм 22.00 «Давр» ҳафта ичида 22.35 «Эпидемия». Бадий фильм (давоми) 23.30-23.35 Хайрли тун

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 Болажонлар экрани. 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 19.35 «Шунақа гаплар». Хажвий кўрсатув. 19.55, 21.05 «Экспресс» телегазетаси. 20.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 20.35 «Жаҳон географияси». 21.15 «ТВ плюс». 21.45 Кинонигоҳ. «Мухаббат қуналари». 23.20-23.25 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати томонидан 2000 йилда Анастасия Валентиновна Бреер номига берилган O'R-B 077398 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«СЭФ-ИТ» масъулияти чекланган жамияти иш фаолиятини тугатади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 42-75-37 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги «RINHOPTIM» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 18932170) тугатилди.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 115-21-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Салоҳиддинов Жамолддин Шаҳобиддинович хусусий тадбиркор номига берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

9.10 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигиди». 10.00 «От ҳақида афсона». 10.30 «Кувноқ стартлар». 10.45 «Рақибингиз гроссмейстер». 11.00 «Синдбад». Мультфильм. 12.30 «Табиатшунос билан саёҳат». 13.00 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба». 13.30-14.20 Хужжатли фильм. 16.55 Кўрсатувлар тартиби 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Белида белбоғи борлар». 17.35 «Зафар бекати».

17.55 «Спорт-антракт». 18.00 «Аралаш». 18.30 А.Пугачева, Л.Лещенко, М.Галкин, Н.Басков. Катта концерт дастури. 20.00 «Время». 20.45 «Ўзбекистон ифтихори». 21.00 «Хабарлар» (Ўзбек тилида)
21.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 22.50 «Спорт - антракт». 22.55 «Бокс». Жаҳоннинг энг кучли профессионал боксчилари: Василий Жиров - Джо Мейси. 23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Открытие программы 9.05 «Теле-хамкор»

9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Капитан Лес», мультфильм 11.30 «В Мире спорта» 12.00 «Скалолаз», остросюжетный фильм 13.40 «Познавательная передача» 14.00 «Детский час» 14.30 Дневной кинозал: «Гамлет» исторический 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Захват боннга», остросюжетный фильм 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор» 21.10 «Коллекция Даниэлы Стиль», сериал 22.00 Воскресный кино-вечер на «30-м»: «Львиная доля», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

27 март — Халқаро театр куну

Бокс

Бокс — юртимизда энг тараққий этган спорт турларидан. Шунинг учун ҳам 13-29 август кунлари Грециянинг Афина шаҳрида бўладиган спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа — ёзги Олимпиада ўйинларида боксчиларимиздан умидимиз катта. Айни пайтда эса бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари олимпия лицензияларини берадиган турнирларда имкон қадар кўпроқ йўлланмани қўлга кири-тишга ҳаракат қилмоқда.

ЯНА УЧТА ЙЎЛЛАНМА НАҚД!

Куни кеча Хитойнинг Гуанжу шаҳрида иккинчи олимпия саралаш турнири ташкил этилди. Унда юртимиз шарафини олти боксчи — Отабек Мамажонов, Тўлашбой Дониёров, Жаҳонгир Сувонкулов, Шерзод Абдурахмонов, Нодир Фуломов ҳамда Игорь Алборов ҳимоя қилди.

Ўзбекистон бокс федерациясидан ЎЗА муҳбирига хабар қилишларича, иқтидорли боксчиларимиздан Тўлашбой Дониёров ҳамда Игорь Алборов мусобақанинг олтин медали ва олимпия лицензияларини қўлга киритган.

Финалга чиққан яна бир ҳамюртимиз Шерзод Абдурахмонов, асосий учрашувда рақибига имкониятни бой бериб қўйган эса-да, Афинага бориш ҳуқуқини олди.

Турнирда Нодир Фуломов бронза медалга сазовор бўлди. Энди бу боксчимиз Жаҳонгир Сувонкулов ва Отабек Мамажонов билан бирга 5-13 май кунлари Покистоннинг Карачи шаҳрида ўтказиладиган учинчи олимпия саралаш турнирида Олимпиада йўлланмасини қўлга қиритиши лозим.

Осиёлик чарм қўлқоп усталари учта турнирда лицензия олиш имкони берилган. Шулардан дастлабкиси, жорий йилнинг январь ойида Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионати эди. Мазкур мусобақада бош

мураббий Шароф Худойбердиев раҳбарлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан беш нафари — Беҳзод Хидиров, Дилшод Маҳмудов, Баҳодир Султонов, Шерзод Хусанов ва Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов биринчи уринишдаёқ олимпия лицензияларини қўлга киритган.

Ўзбекистон бокс федерацияси мутасаддилари эса Афина Олимпиадасига камида ўнта боксчи йўлланма олишини таъкидламоқда. Ҳозирча, бу вазифани уддалаган терма жамоа аъзоларидан саккиз нафари Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиш мақсадида мусобақага жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон мустақил жамоа сифатида Олимпиада ўйинларида қатнашаётганидан буён чарм қўлқоп усталари ундан медалсиз қайтмаган. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган Олимпиадада Карим Тўлаганов бронза медални қўлга киритган. 2000 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медалга сазовор бўлган. Мазкур мусобақада муваффақиятли иштирок этган яна икки боксчимиз — Рустам Саидов ва Сергей Михайлов ҳам юртимизга бронза медалини ҳадая этганди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

Инсон шаклланиб, ўзлигини англай бошлар экан ҳаётнинг эҳтиёжлари билан бир қаторда маънавий эҳтиёжларини ҳам қондиришга интилади. Театр санъати доимо айнан маънавият ўчоғи сифатида томошабинга хизмат қилиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, охириги йилларда давлатимиз томонидан театр санъатига нисбатан бўлаётган эътибор бежиз эмаслигига амин бўламиз.



27 март бутун дунёда, хусусан, республикаларимизда ҳам Халқаро театр куну сифатида ҳар йили кенг нишонланади. Турли театр фестиваллари, кўрик-танловлар, семинарларнинг ана шу байрам арафасида ўтказилиши анъана тусига кириб қолди.

Бу йил ҳам республикаларимизда шу кунни муносиб ўтказиш учун тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси 27 март — 21 апрель кунлари «37+1» деб номланган лойиҳа асосида замонавий мавзуларда яратилган спектаклларнинг биринчи республика кўрик-фестивалини ўтказишни режалаштирган. Олти кун давом этадиган ушбу фестивал-

дан мақсад аввало, барча театр жамоаларини бир жойга йиғиб, уларга бир-бирларининг спектакль ва томошаларини кўриш, яқиндан ижодий мулоқотга киришишга шароит яратиш беришдир. Шу билан бирга вилоят театрлари ўзлари яратган энг сара сахна асарларини пойтахт томошабинлари ҳамда меҳмонларига намойиш этишдек имкониятга ҳам эга бўладилар.

Ушбу фестивалда республикаларимизда фаолият юритаётган театрлар жамоаларининг спектаклларини баҳолаш ҳамда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдириш учун республикаларимиз театр санъатининг ривожланишида ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келаётган театршунос,

санъатшунос, адабиётшунос олимлар, театр бастакорлари, рассомлари, драматурглар, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти профессор ва ўқитувчилари ҳамда талабалари кузатиб борадилар. Ҳар бир спек-



такль намойишидан сўнг унинг ва камчиликлари ҳақида фикрлар алмашинуви ҳам фестивал кундалиги доирасига киритилган.

Кўрик-фестивалнинг «37+1» деб номланишида ҳам ўзига хос рамзийлик бор. Кўпчиликка маълумки, республикаларимизда 37 та профессионал театр мавжуд. Сўнгги икки йил ичида ушбу театрларнинг барчасига жиддий эътибор қаратилиб, уларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили «Ўзбектеатр» ИИЧБ барча театрлар олдида лойиҳа асосида бирлашма билан ҳамкорликда сахна асарларини яратиш вазифасини қўйган эди.

Кўрик-фестиваль Ўзбекистон миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтади. Ушбу спектаклларни кўриш истагида бўлган барча ихлосмандларни ушбу тадбирга тақлиф этамиз.

Муқаддас АХМАДЖОНОВА,
театршунос.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» MCHJ

Сизларни 2004 йил 27 апрель ва 4, 11, 18, 25 майда соат 12.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига тақлиф этади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани Увак қишлоқ фуқаролар йиғини, Облик аҳоли пунктида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан 50 та ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 37.120 сўмдан.

2. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани Увак қишлоқ фуқаролар йиғини, Облик аҳоли пунктида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,06 гектардан 50 та ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 55.680 сўмдан.

3. Тошкент вилояти давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига қарашли НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 10 АО 202, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1.153.373 сўм.

Ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ари-

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

2004 йил 16 март куну ўтказилган аукцион савдосида Бекобод шаҳри ҳудудида ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан 4 та ер майдони 260.000 сўмга сотилди, Қўйичирчиқ тумани ҳудудида ҳар бирининг сатҳи 600 квадрат метрдан 3 та ер майдони 172.000 сўмга сотилди. 3 та давлат автотранспорт воситалари жами 5.200.000 сўмга сотилди.

2004 йил 10, 12 март кунлари ўтказилган биржа савдосида битта нодавлат асбоб-ўскуна 1.000.000 сўмга, Юқоричирчиқ, Қибрай туманлари ҳудудида жойлашган жами 18 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари жами 4.505.000 сўмга ва Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Ўртачирчиқ, Бекобод, Қибрай, Паркент, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 9 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 30.021.000 сўмга сотилди. Шунингдек, Ўртачирчиқ туманида жойлашган битта давлат кўчмас мулк объекти 4.092.000 сўмга сотилди.

2004 йил 15, 17, 19 март кунлари ўтказилган биржа савдосида Бекобод, Юқоричирчиқ, Қибрай, Зангиота туманлари ҳудудида жойлашган 15 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари жами 4.590.000 сўмга ва Бекобод, Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Паркент, Тошкент, Бўка туманлари ҳудудида жойлашган 16 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 46.418.000 сўмга сотилди.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

ИРОҚ: ЯНА БИР ПОРТЛАШ

Шу ҳафтанинг чоршанба-си тонгида Бағдоддаги Ishtar Sheraton меҳмонхонасида кучли портлаш юз берди. Оқибатда ҳеч ким жароҳат олмаган бўлсада, бино ойналари тўкилиб тушди. Манбалар бераётган маълумотларга кўра, портлаш сабабчиси ташқарида отилган ракета бўлган. Ishtar Sheraton ўз ёнида қад ростлаган Palestine меҳмонхонаси каби яхши муҳофазаланган ҳудудда жойлашган бўлишига қарамай, бир неча бор жангариларнинг ҳужумларига сабаб бўлди.



Берлиндаги Брандербург дарвозаси.

Шарҳловчи минбари

ЭНЕРГЕТИКА МАНБАЛАРИ ВА СИЁСАТ

Жаҳоннинг нафақат иқтисодиёти, балки геосиёсатида ҳам фавқуллодда муҳим аҳамият касб этаётган омиллардан бири бу шубҳасиз энергетикадир. Ер юзидаги аксарият можароларнинг асл сабаби ҳам энергетика заҳираларига эгалик қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ. Чунки айрим минтақаларда заҳира ниҳоятда серобу унга талаб кам бўлса, бошқаларида аксинча ҳолатни кузатиш мумкин.

Энергетика заҳиралари битмас-туганмасми ё ҳадемай уларнинг таги кўриниб қолади-ми, деган савол кўпчиликни кизиқтириб келади. Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) тадқиқотларига қараганда, ҳозир 2020 йилга етгулик заҳира нақд экан. Лекин бу 2020 йилдан кейин ҳеч вақо қолмайди, дегани эмас, албатта. Ҳозирга қадар аниқланган заҳиралар ундан кейинга ҳам етишига шубҳа йўқ. Аниқроғи, мутахассисларнинг башорати шундайки, яқин йигирма йил учун нефт ва газ заҳиралари ошиғи билан етади. Шунингдек, уран танқислиги эҳтимоли ҳам ҳозирча йўқ.

Соҳа мутахассислари заҳира борасида кўнгли тўқ бўлса-да, нарх-наво масаласида беташвиш эмас. Бир томондан, энергия ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши ортқча сарф-харажатларга барҳам берса, иккинчи томондан, арзон энергия манбалари заҳираларининг камайиб бориши, устига-устак, энергия ташуш масофаларининг узайиши нархнинг сезиларли даражада кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилга қадар жаҳонда энергия манбаига талаб 57 фоиз ошар экан. ХЭА вакиллари энергетика

ка заҳиралари бутун дунёни таъминлашга етишини айтмоқда. Улардан узоқ ва унумли фойдаланиш учун конларни кидириб топиш, ўзлаштириш ва бозорларга етказиб бериш ишларига катта сармоя ётқизиш керак бўлади, холос. Масалан, кўмири энг кўп Хитой ва Ҳиндистон бу маҳсулотни етарлича қазиб олиш учун йирик миқдорда маблағ сарфламоғи лозим.

Ер бағрида энергиянинг яна бир манбаи - кўмир заҳиралари ҳам кўп. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, нефт ва газдан фарқли ўлароқ, кўмир заҳиралари жўғрофий жиҳатдан дунё бўйлаб бир қадар тенг тарқалган. Ҳозирги кунгача аниқланган кўмир заҳиралари бир триллион тоннани ташкил этади ва икки асрга бемалол етади. Ҳали аниқланмаган заҳиралар ҳам талафгина эканига асло шубҳа йўқ.

Шу ўринда муҳим тармоқлардан яна бири - атом энергиясига тўхталиб ўтиш ўринли. Кейинги вақтда уран қазиб олиш ҳажми бир қадар қисқарган бўлса-да, унинг заҳиралари ҳали кўп. Қолаверса, мутахассислар тез орада уран қазиб олиш ошиши мумкинлигини айтмоқда. Хусусан, Канада ва Австрияда. Бу икки мамлакатда уран қазиб олиш бошқа давлатлардагига қараганда анча арзонга тушади.

Уран кони аниқланган вақтдан бошлаб уни қазиб олишгача камида ўн-ўн беш йил керак бўлади. Унинг харажати ҳам бошқа қазиб олинadиган энергия манбалари учун сарфланadиган маблағдан анча кўп. Бу ҳол эътиборга олинса, келажакда уран нархнинг пасайиши эҳтимолдан йироқ кўринади.

Энергетика саноатининг эртанги кунини ҳақида гапирар экан, мутахассислар мазкур тармоққа кўпроқ сармоя ётқизиш зарурлигини бот-бот айтмоқда. Шунда нафақат дунёда энергетика таъминоти бўйича жиддий муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш, балки башоратчиларнинг яқин йиллар ичида энергия заҳираларининг таги кўриниб қолиши ҳақидаги тахминларига ҳам берҳам бериш мумкин.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

АҚШ:

ТАЪҚИБДА БЎЛГАН ЭКАН

АҚШ президентлигига номзоди кўрсатилаётган Жон Керри бир йил мобайнида Текширувлар федерал бюроси кузатувида бўлган экан. 1970 йиллар бошидаги бу таъқиб тўғрисидаги материаллар Ахборот эркинлиги ҳақидаги қонунга мувофиқ АҚШ матбуотида эълон қилинди. Ҳужжатларни Вьетнамда олиб борилган уруш тафсилотлари хусусида ҳикоя қилувчи китоб устида ишлаётган Жерольд Никозия талаб қилган ва ТБФ унга мазкур таъқиб борасидаги ҳужжатлар сақланаётган 14 та қутини тақдим этганди. Маълум бўлишича, урушга қарши чиққан Керри ва унинг дўстларини кузатиш ҳақидаги буйруқни шахсан ТБФ директори Гувел берган экан.

ТАЙВАНЬ:

ДАЪВОСИ ЎРИНСИЗ

Тайвань олий суди муҳолиф «Гоминьдан» Миллий халқ партиясининг ўтган шанба - 20 март кунини мамлакатда ўтган президентлик сайлови яқунларини бекор қилиш ҳақидаги талабини рад этди. Суднинг фикрича, Тайвань сайлов комиссияси яқуний натижаларни эълон қилишидан олдин берилган даъво кўриб чиқилиши мумкин эмас. Президентлик сайловида ютқазган номзод афтидан бироз шошилиб қолган кўринади.

ГРУЗИЯ:

ТЎДА ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Грузияда Омехи Апраксидзе ва унинг икки ўғли бошчилиқ қилган тўда йўқ қилинди. Уюштирилган махсус операция давомида жиноий гуруҳ раҳбарлари отиб ўлдирилди. Тўда Сванетиянинг Эцери қишлоғи ҳудудида 200 та махсус жангчи томонидан ўраб олинди. Операцияда 10 та вертолёт кўмагидан фойдаланилди. Апраксидзе ва унинг ҳамтовоқлари грузиялик машҳур футболчи Кахи Каладзеининг ўқаси Леван Каладзеини ўғирлаган деган шубҳа бор эди.

ЯПОНИЯ:

ОРОЛ ИСТИЛОСИ

Шарқий Хитой денгизидagi баҳсларга сабаб бўлаётган Синкаку архипелаги таркибига кирувчи, Япония назоратидаги Уоцуридзима оролига Хитой кемаси 7 нафар кишини десант сифатида туширди. Бу кимсалар Синкакуни (хитойча номи Дяоюйдао) Хитойга қўшиб олиш учун курашаётган ҳаракатнинг фаол аъзолари экан.

ХАКЕР ПЎПИСАСИ

АҚШ махсус хизмати Калифорния штатида яшовчи компьютер дастурчисини AdSense реклама тизими ҳимоя мажмуини бузиб киришда гумон қилиб, ҳибсга олди. Google излаш машинасига жойлаштирилган AdSense тизими иштирокчи сайтларда реклама майдонларини ташкил этишга мўлжалланган. Калифорниялик дастурчи AdSense баннерлари бўйича сохта ўтишларга имкон берувчи дастур яратиб, Googleдан ўз кашфиётини оммавийлаштирмаслик эвазига 100 минг доллар талаб қилганди.



ЖИНОЯТЧИ ГЎДАК

Америкалик 4 ёшли болакай мактабга тайёрловчи синф машғулотларига қиймати 10 минг долларлик кокаин солинган халта кўтариб келди. Полиция вакиллариининг маълум қилишларича, гўдак Индиана штатидаги Индиана Полис шаҳри мактабларидан бирига кундалиқ машғулотга келгач, рюкзакдан оқ кукун солинган халта чиқариб, синфдошларига ун олиб келдим, деган. Воқеани кузатиб турган ўқитувчи халтадаги нарса кокаин эканлигини сезиб, полицияга кўнги-роқ қилган.



ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ЧИҚДИ



Француз кинопрокатчиси Марин Кармиц ўзига қарашли МК2 кинотеатрлар тармоғида Мэл Гибсоннинг «Масих эхтирослари» янги фильмини намойиш этишдан бош тортиди. Унинг фикрига кўра, фильм «фашистлик ғояларини тарғибот қилади». Кармицнинг айтишича, янги киноасар «варварлик ва зўравонликни томошага айлантирган». Бундан ташқари кинопрокатчининг таъкидлашича, фильмдаги яҳудийлар билан боғлиқ лавҳалар ҳам фашизм унсурларининг яққол намойишидир.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Bolalik bog'i

BINAFA SHA

Boychechak to'yga ketdi,
Yur demadi Binafshani.
Qirlarda o'ynayverdi
Sog'inib yakshanbani

Dam olish kuni qarang,
Bolalar ko'p kelishdi.
Qaytar chog'i Binafshani
To'yga olib ketishdi.

Hamid NORQUL.



Kuklam yuklamasi

... Ушанда 1990 йил эди чамаси. «Қиш бекорчилиги сабаб», эмасми, Санам қишлоғилик кўни-қўшни аёллар йиғилишиб, гап-гаштак қиладиган бўлишди. Ана шундай йиғинлардан бирида Бувойша она дугоналарига: «Бекорчидан худо безор, бекор юргунча бекор ишла, деган нақл бежиз айтилмаган. Келинлар, халқимиз анъаналари, урф-одатларимиз, маросимларимизни, халқ кўшиқларини саҳна кўринишларида ифодалаб, элга манзур қилайлик», деган фикрни ўртага ташлади.

УДУМЛАРИМИЗ ХАЗИНАБОНЛАРИ

Даврада бир-бирларига гап бермай ўтирганлар бирданига жимиб қолишди. Хуллас шу кўни маслаҳат пишиб, Орзигул Рустомова, Рокия Машарипова, Турсун Мирғозиева, Рокия Умарова, Мукаррам Имомова, Улманоӣ ва Башорат Тўйчиева, Ифтинисо Норғозиева, Саломат ва Гулчеҳра Жонкуловалардан иборат дурустгина даста пайдо бўлди. Хар ким ўзи топган лапарлару халқ кўшиқларини олиб кела бошлади: «Оҳангарон ўлани», «Термалар», «Ёр-ёр», «Имламалим» сингари бир-бирдан сара, бир-биридан мукамал кўшиқ ва лапарлар пайдо бўлди.

«Имламалим» лапарлари шундай бошланади:

Имламалим, им билан,
Имламалим сим билан,
Санинг кўнглинг ман билан,
Сан кетарсан ким билан?

Қошинг қаро қайлома,
Ёрга кўнгли бойлома.
Ёрга кўнгли бойласанг,
Ташлаб кетса, йиғлома.
Имламалим лак, имламалим,
Ўраб олай гул билан,
имламалим...

Ёки бошқа бир лапардан:
Яхши билан ўйнасанг,
кунда бозор,
Ёмон билан ўйнасанг,
кўнгли озар.

Ўзбекистон телевидениесидаги кўрсатувлар давр талаби, шунингдек телешошабинларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Албатта, пайдо бўлаётган янги кўрсатувлар ҳам ана шу талаб ва истаклар натижаси десак хато қилмаган бўлаемиз. Бунга мисол тариқасида «Ёшлар» телеканалидаги «Мунаввар тонг» студиясининг бугунги фаолиятини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур студиянинг ташкил топганига энди гина саккиз ой бўлди. Лекин қисқа вақт мобайнида студия томонидан тайёрланаётган кўрсатув ўзининг доимий мухлисларига эга бўлиб бормоқда. Буни студия номига

Телевудение ва биз

келаётган турли мавзудаги мактублар, телефон кўнғироқларидан ҳам билиш мумкин.

юритиш имконияти пайдо бўлди. Шу ўринда студиянинг «Бу ажиб фасл», «XXI аср

«МУНАВВАР ТОНГ»НИНГ ЁРУҒ КУНЛАРИ

Дарҳақиқат, студиянинг ташкил этилиши, айниқса, юртимиз ёшлари учун айна муддао бўлди. Чунки, ушбу студиянинг кунлик кўрсатувлари орқали уларнинг барча соҳаларида эришаётган ютуқларини, орзу-умидлари, интилишлари, шу билан бир қаторда уларни ўйлантираётган муаммолар борасида атрофлича фикр

ёшлари», «Илм излаб» каби ўндан ортиқ саҳифаларини айтиб ўтиш мумкин.

Студиянинг «ТВ-меҳмон» саҳифаси ҳам кўпчилик томошабинларга манзур бўлмоқда. Улар ушбу саҳифа орқали юртимизнинг таниқли кишилари, хусусан, театр ва кино юлдузлари, хушовоз хонандалар, қалами ўткир шоир ва ёзувчи-

қадимий ва ҳозирги замон халқ кўшиқлари, айтишувлар, ёр-ёр, Ватанни, истиқлолимизни мадҳ этувчи кўшиқлар мустаҳкам ўрин олган.

Шуни айтиш жоизки, «Наврўз» фольклор дастаси иштирок этадиган тадбир ва тантаналар доим санъат шинавандалари билан гавжум, ҳамиша кўнглидир. Нафақат Оҳангаронда, балки, вилоятимизда ўтадиган оммавий-мада-

ди. Аммо, Бувойша Алматова бошчилик қиладиган миллий санъат шайдолари гуруҳи изланишни давом эттириб, ўз мақсадлари сари интилавердилар.

Дарҳақиқат, фольклор-этнографик дасталар фаолияти мусаффо ирмоққа ўхшайди. Уси маънавиятимиз ривожини тасаввур қилиш қийин. Бувойша Алматова мана шу жамоани оёққа тургазиш, аъзоларининг ташвиш ва қувончларига



Яхшига айтган ўланинг
мустажоб,
Ёмонга айтган ўланинг
зое кетар.

Харқалай, Кели туйиш, Сумалак, Пахта саваш, Келин салом, Бешик тўйи сингари тантаналар ва маросимлар қайта-қайта машқ қилиниб, маромига етказилди. Ўй бекалари, нафақахўрлар, маданият ходимлари ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган «Наврўз» дастаси бугунги кунда халқ оғзаки ижодиёти намуналарини санъат шинавандалари орасида кенг тарғиб қилиб келмоқда.

Дастанинг концерт дастуридан

ний тадбирлар, Наврўз байрамлари, мустақиллик шодиёналари, қолаверса, Ўзбекистон кўшиқ байрамлари ҳамда фольклор-этнографик дасталари кўрик-танловларида ҳам жамоанинг чиқишлари юксак баҳоланмоқда.

— «Наврўз» фольклор дастасининг оёққа туриб олиши осон кечмади. Ўз йўлини, репертуарини танлаб олишида бўлимимиз мутасаддилари, ҳомийлар яқиндан кўмаклашиди, — дейди туман маданият бўлими ходими Дилором Сиддиқова. — Тинимсиз машқлар, баҳс-мунозаралар баробарида даста истиқболига ишонсизлик ўйгонган дамлар ҳам бўлиб тур-

шерик бўлиш иштиёқида тинмай елиб югурди. Унинг юз-кўзларидаги мамнунлик, кўп йиллик орзулари ушалгани, дастанинг обрўси ошиб бораётгани туфайли эмасми?!

Бугун Оҳангарон тумани маданият бўлимининг «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси айна кучга тўлган, мухлислар орттирган жамоалардан биридир. Халқимиз удумларини саҳнага олиб чиқишда, элу юртга кўрсатишда фидоийлик қиладиган бу санъатсевар гуруҳга Наврўзнинг ўзи каби бегуборлик ва бетакрорлик тилаб қоламиз.

Шавкат ҚУЛИБОВ.

ланган Элмурод Шодиев далилий ашёлар билан Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига келтирилди.

Ўртачирчиқ тумани Паррандачилик фабрикаси маҳалласида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Валерий Беликов фуқаро Гулбахор Устеновнинг хонадонидан умумий нархи 150 минг сўм бўлган қорамолни ўғирлашга уриниб кўрди. Лекин огоҳ милиция ходимлари хушёрлик кўрсатиб, уни жиноят устида қўлга олишди.

Паркент тумани Ўзбекистон кўчаси 19-уйда яшовчи Очил Ёкубов гумонсираб текширилди. Унинг ёнидан 23,5 грамм марижуана моддаси топилди. Паркент тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция майори Б. Холматов қонунбузарни қўлга олиб, ички ишлар бўлимига келтирди.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот хизматининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

Қилмиш-қудурмиш

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида яшовчи Мурод Хошимовнинг Қибрай тумани худудида жойлашган дала ҳовлисида эшик бузилиб, умумий баҳоси 315 минг сўмлик рўзгор буюмлари ўғирланган. Ўғри ҳеч қаерда ишламайдиган Геннадий Николаев воқеа жойидан яширинмоқчи бўлаётганида Қибрай тумани ички

ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлими томонидан ушланди.

Чирчиқ шаҳрининг Ш. Рашидов номли кўчасида жойлашган «Чирчиқсавдо» омборхонасининг идорасига эшикни бузиб киришга уринаётган шахс қўлга олинди. Бўстонлик туманида яшовчи, муқаддам суд-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

лар, шу билан бир қаторда ўз касбининг усталари билан бўладиган қизиқарли мулоқотлардан баҳраманд бўлишмоқда.

«Саломат бўлинг» саҳифасида турли хил касалликлардан фориғ бўлиш ва уларнинг олдини олиш борасида қимматли маслаҳат ва тавсиялар бериб борилса, «Ханда»дан эса машҳур қизиқчиларимизнинг ичакузди латифа ва хангомалари, асқиячиларнинг тагдор айтишувлари жой олган.

«Мунаввар тонг» студияси ижодкорлари замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда иш олиб бормоқдалар, ижод қилмоқдалар. Зеро, даврнинг ҳам, томошабиннинг ҳам талаб, эҳтиёжи ана шуни тақозо этмоқда.

Туроб НИЁЗОВ.

Энг.. Энг... Энг...

ҚИММАТ ТЕЛЕВИЗИОН РЕКЛАМА

Энг қиммат телевизион реклама «Эппл компьютерс» бўлиб, уни ишлаб чиқаришга 600 минг, телевидениеда намоиш этиш учун 1 млн. доллар сарфланган.

ҚИММАТ РЕКЛАМАЛИ ТАНАФФУС

Американинг «Фокс» телетармоғи 1999 йил Кубоклар Кубоғи финали кўрсатуви пайтида 30 сониялик рекламали танаффусдан 2 млн. доллар ишлаб топди. Ушбу кунги рекламали танаффуснинг ўртача қиймати 1.6 млн. долларни ташкил этган.

МИНИ РЕКЛАМА

4 кадрли ролик (кўрсатиш муддати 0.133 сония) 1993 йил 29 ноябрь «КИНГ-ТИ-ВИ» студияси «Кечки журнал» кўрсатувида эфирга узатилди.

Бу ролик «Бон Морше» фирмасининг «Франго» конфетини реклама қилди. Унинг нархи 3780 долларни ташкил этди.

Даврон АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Ҳамма қулайликларга эга бўлган 4 хонали уй сотилади (машина учун йўлак йўқ). Т. 54-87-28.

Яккасарой туманидаги «ENERNETPRESS» МЧЖи «SVETALEKS» МЧЖга бирлашмоқда. Ҳуқуқий ворис «SVETALEKS» МЧЖ

ХИСОБЛАНАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Тошкент вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси жамоаси бош мутахассис Расулов Шерзод Фазлиддиновичга волидайи муҳтарамаси

ЗУМРАДХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят жамоат кенгашининг раиси, академик С. Алимухамедовга турмуш ўртоғи Фотиما ая АЛИМУХАМЕДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.